

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШАМСУТДИНОВА НИГИНА КАРИМОВНА

СУФИЗМ КОНТЕКСТИДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ
ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УДК: 1(091)ибн Сино:141.336

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Шамсутдинова Нигина Каримовна

Суфизм контекстида Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашлари 3

Шамсутдинова Нигина Каримовна

Философские взгляды Абу Али Ибн Сины в контексте Суфизма..... 23

Shamsutdinova Nigina Karimovna

Philosophical views of Abu Ali Ibn Sina in the context of Sufism 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 46

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШАМСУТДИНОВА НИГИНА КАРИМОВНА

СУФИЗМ КОНТЕКСТИДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ
ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fal458 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадаева Шахноза Амануллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўраев Бахтиер Омонович
фалсафа фанлар доктори, профессор

Шарипова Ойгул Турсуновна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Ҳ. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ахлоқ ва маънавий инқирознинг тобора кучайиши халқларнинг бебаҳо илмий меросига янгича нуқтаи назардан ёндашув заруратини намоён қилмоқда. Айниқса, ренесанс даври мутафаккирлари, тасаввуф намоёндаларининг маънавий ахлоқий мероси асосида ёш авлодни тарбиялаш, уларни бағрикенглик, ҳамжихатлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёда биринчи ренесанс мутафаккири, табобат илми намоёндаси Абу Али Ибн Сино таълимотида илгари сурилган илмий-назарий ва фалсафий мероснинг фундаментал илм эволюциясига, ислом маданияти тараққиётига салмоқли таъсири ҳамда фан эволюциясида квинтэссенциал таъсирга эга эканлигини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм фанида фалсафа тарихи, буюк маърифатпарварларнинг тасавуфий қарашларида илгари сурилган комил инсон ва унинг такомил босқичлари, маънавий поклик, эзгулик, яхшилик, муҳаббат, меҳр-оқибат каби ғояларнинг башарият равнақиға таъсирини аниқлашга оид назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, умумбашарий, минтақавий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда абадиятга дахлдор тасавуфий-ахлоқий мезонларнинг жамият маърифий тараққиётига ҳамоҳанглиги, инсоний фазилатлар такомилида маънавий-ахлоқий омилнинг ўрни, уларнинг узвий алоқадорлигини фалсафий жиҳатдан очиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Ибн Сино тасавуфий таълимотида инсоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатувчи ўзига хос интеллектуал моҳият касб этувчи ҳақиқатни билиш ва саодатга эришиш тўғрисидаги назарий ҳамда методологик асосларни тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон – Учинчи ренесанс сари” ғояси асосида диний-маънавий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш, комил инсон ғояси, уларнинг маърифий-тарбиявий таъсирчанлигини кучайтиришда буюк мутафаккирларимиз меросини тадқиқ этиш, ёш авлодни тарбиялашда бебаҳо маънавий бойлигимиздан фойдаланишга оид ислохотлар амалга оширилмоқда. “Навбатдаги муҳим вазифамиз – мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод хоразмий ва фарғонийларини, беруний ва ибн синоларини, улуғбеклар ва навоийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Бу йўналишда “Беруний издошлари”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Алишер Навоий давомчилари” каби кўрик-танловлар ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади”¹. Бу борада Ибн Сино иррационал қарашларида илгари сурилган сўфизмнинг инсон камолоти, маънавий етуклик, ёшлар ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришда соғлиқ ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б. 253.

фаровонлик каби ғояларнинг ёшлар ривожланиши кўрсаткичларига оид фалсафий моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сон “Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алломанинг бизгача етиб келган икки юз қирқта асаридан аксарияти тиббиёт ва фалсафа соҳасига тегишли бўлсада, уларда тасаввуфий моҳият² мавжудлиги жаҳон олимлари томонида эътироф этилган. Жумладан М. Гуашон, Ш. Осман ва В. Карраларнинг асарларида Ибн Синонинг руҳ ва инсон қалби ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилган. Е. Бертельс, М. Асимов асарларида Ибн Сино фалсафий меъросининг жаҳон илм-фанининг эволюциясида тутган ўрни ва фундаментал таъсири асосланган. А. Сагадеев ва М. Диноршоев эса мутафаккирнинг иррационал-фалсафий меросини бирламчи манбалар асосида таржима этиб, Ибн Синонинг қарашларида Шарқ перипатизми ҳамда олам, одам ва борлиқ масалаларига теологик, метафизик тендецияларнинг

² Ибн Сино. Китоб ул- Ишороти / ЎзР ФА ШИ фонди инв №2213, 11 б. II ырақ.; Ибн Сино. Рислоилу ҳуқамо. / ЎзР ФА ШИ фонди инв №2385, ырақ 101 б.-103 б.; Ибн Сино. Тафсир китоб “Услужий” мин ал ансоф. / ЎзР ФА ШИ фонди инв №2385/ ХХІХ.; ЎзР ФА ШИ фонди инв №2385/ ХХІХ.; Ибн Сино. Китоб ал ишорот ф-ил мантик в-ал ҳикмат.1340 м.й. ЎзР ФА ШИ фонди инв №2213./ СВР т.5 . Ташкент 1960, - С.383. № 4103.; Ибн Сино. Ал Илоҳийт (Метафизика) . 1076 х.й. /ЎзР ФА ШИ фонди инв №3006./ СВР.ІІІ. Ташкент 1953, с 40-41.; Ибн Сино. “Уржуза фи-Тиб” асарининг Тошкентда сақланаётган нусхаси 1322 байтдан иборат. СВР. АН Р УЗ . т.V, - Ташкент, 1960. с. 272, №3919.;

таъсири устунлиги қиёсий таҳлил этган³. Ф. Роузенталь, Дж. Тримингэм, Д. Кныш, Э. Каримов, Э. Карл, Усмон Турар тадқиқотларида суфизм контекстида Ибн Сино фалсафий қарашларининг мазмун моҳиятини очиб бериш ва шаклланиш босқичларини таҳлил этиш амалга оширилган⁴. Д. Гутас, Г. Боун, М. Махди, П. Мореведж, М. Галстон тадқиқотларида эса Шарқ ислом мистицизмидаги фалсафий уйғониш даврига Ибн Сино фалсафий қарашларининг таъсири мавжудлиги ҳақида хулосалар келтирилган⁵.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Р. Садыков, Ё. Ниёзов, Ф. Худойдодов, М. Каримова, С. Султонов, А. Закуев, М. Рахимов, А. Грецкий каби олимларнинг тадқиқотларида Ибн Сионинг фалсафий қарашлари кенг қамровли, фанлараро хусусияти ва илмий-назарий трансценденсияга эга эканлиги кенг муҳокама қилинади⁶.

Ўзбекистонда И. Мўминов, М. Болтаев, А. Шарипов, О. Файзуллаев, Р. Носиров, Б. Тураев, Қ. Назаров, Б. Туйчиев, Қ. Шодмонов, А. Чориев, С. Чориев илмий изланишлари Ибн Сино фалсафий қарашларида рационал ёндашув, натурфилософия моҳияти ва унинг методологик асосларига бағишланган. Г. Наврўзова мавзу доирасида тадқиқ этилаётган Ибн Сино фалсафий қарашларидаги тасаввуфий категорияларни, Ш. Мадаева

³ Goichon A.-M.. La distinction de l'essence et de l'existence d'après Ibn Sina (Avicenne). Paris: Paris: Desclée de Brouwer, 1937. 546 p.; Osman Chanine. Ontologie et théologie chez Avicenne. - Paris: Maisonneuve, 1962. - 184 p.; Carra de Vaux. Avicenne (Les grands philosophes). - Paris: Felix Alcan, 1900. VII u. 302; Бертельс Е. Э. Авиценна и персидская литература // История литературы и культуры Ирана. Избр. произв. М.: Наука, 1988. - С. 241-260; Асимов М. Величие Авиценны // Торжество Разума. - Душанбе: Дониш, 1988. - С. 318.; Сагадеев А. В. Список и хронология трудов Ибн Сины по анонимному дополнению к биографии мыслителя, составленной Абу-Убайдом аль-Джуджани // Ибн Сина (Авиценна). Избранное. М.: Книга, 1980. - С. 285-295.; Диноршоев М. Компендиум философии Ибн Сины / М. Диноршоев. – Душанбе: Дониш, 2010. – 340с.;

⁴ Роузенталь Ф. Торжество знания. – Москва. Наука, 1978. 373с.; Тримингэм Д. Суфийские ордена в исламе. - Москва, Наука, 1989.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / Пер. с англ. М. Г. Романов. СПб.: "Издательство "ДИЛЯ", 2004. -464с; Каримов Э.Э. Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII - XV вв.: Дисс... докт.ист.наук. Тошкент, 1998; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Таржимон Н.Ҳасан. Тошкент, Истиклол, 1999. –Б. 104-106.; Эрнест Карл. Суфизм // Перевод с английского М. Горького. – М., ФАИР – ПРЕСС. 1997.

⁵ D. Gutas. Avicenna and the Aristotelian tradition, LEIDEN-BOSTON. 2014.-P.616.; Mahdi M. Islamic philosophy: the Eastern and Western schools. - "Cultures". - Paris, 1978, Vol 4, №1. ; Bown H. Avicenna and the christian philosophers in Baghdad - in: Islamica philosophy and classical tradition. Colombia. 1973.P. 247.; Morewedge P. Ibn Sina's concept of the Self.— «Philosophical forum». Boston, 1973, vol. 4, N 1.; Morewedge P. The logic of emanationism and sufism in the philosophy of Ibn Sina (Avicenna). — «Journal of the American Oriental society». Baltimore, 1971, vol. 91, N 4; 1972, vol. 92, N1.; Galston M. Realism and Idealism in Avicennas political Philosophy. -"Review of politics", Notre Dam, 1979, vol.41, №4, p. 561-577.;

⁶ Садыков Р.Г. Человек и мир в философии Ибн Сины: Дисс. ...канд.ф.наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2000. -165 с., Ниёзов Ё.Б. Философия Ибн Сины в оценке современных арабских исследователей: Дисс. ...канд.ф.наук, - Душанбе: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2010. - 172 с., Худойдодов Ф.Б. Сопоставительный анализ теорий суждений Аристотеля и Ибн Сины: Дисс. ...канд.ф.наук. – Москва: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2011. – 108 с., Каримова М.Р. Этические проблемы в антропологии Ибн Сины: Дисс. ... канд.ф.наук. – Душанбе: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2009, -141 с.; Султонов С.А. Ибн Сина в философской традиции Франции: Дисс. ...канд.ф.наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. Садриддина Айни, 2012. - 171 с.; Закуев А. К. Психология Ибн Сины. Баку: Изд-во АН АЗССР, 1958. - 87 с.; Рахимов М.Х. Идея «совершенного человека» в философии Ибн Сины и Аристотеля. // XXI Всемирный конгресс философов. Философия лицом к мировым проблемам - Стамбул, 2003.- С. 325.; Грецкий А. Проблема антропологии в философских системах Ибн Сины и Ф. Аквинского: Автореф. дисс. кандидата филос. наук. Душанбе, 1990. -30 с.

тадқиқотларида инсон, унинг ижтимоий ва гносеологик хусусиятлари, тафаккур тарзи каби концепциялар Ибн Сино фалсафий қарашларининг бош ғояси эканлиги асосланган. Ҳ. Саломова Ибн Сино асарларида ўлчов мезонлари, меъёрий барқарорлик масалаларини, Р. Шодиев, А. Хусейнова, Н. Сафарова, М. Хажиева, Б.Намозов, Г. Юнусоваларнинг тадқиқотларида Ибн Сино яратган тасаввуф назарияси ва методологияси ушбу таълимотнинг кейинги давр ривожланиши босқичларига интеллектуал таъсири мавжудлиги очиб берилган⁷.

Юқорида қайд этилган хорижлик ва республикамиз олимларининг тадқиқотлари Ибн Сино фалсафасидаги рационал қарашларнинг диалектик ўзгаришлари ва тасаввуфий моҳиятнинг юзага келиш жараёнини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга методологиядир. Аммо, тарихий ва замонавий адабиётлар, илмий тадқиқотлар таҳлили, мавзу доирасидаги муаммонинг яхлит тизим сифатида ёритилмаганлигини кўрсатмоқда. Шу боис мазкур тадқиқот ишида суфизм контекстида Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашлари тарихий-фалсафий жиҳатдан комплекс тадиқ этишга диқват қаратилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОФ-07-сон “Тараққиёт стратегияси контекстида умуминсоний қадриятлар ва жамият барқарорлиги” (2021-2025 йй.) номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суфизм контекстида Абу Али ибн Сино фалсафий қарашларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳамда

⁷ Беруни и Ибн Сина. Переписка / Отв. ред. И.М. Муминов. - Ташкент: Фан, 1973. - 36 с.; Болтаев М.Н. АбуАли ибн Сина великий мыслитель средневекового Востока. – Ташкент, Фан, 1980. - 164.; Болтаев, М. Н. Ибн Сина – выдающийся философ средневековья / М. Н. Болтаев. – Москва, 1983. – 48с.; Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн- Сины и его школы. - Душанбе: Ирфон, 1965 - 600 с.; Болтаев М. Н. Ақидаҳои фалсафии Абуали Ибни Сино. - Душанбе: Дониш, 1969.- 253 с.; Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина - великий мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока. - М.: Сампо, 2002. - 400 с.; Шарипов А. Д.Философская переписка Беруни и Ибн Сины. // Вопросы философии.- 1978, № 10.; Файзуллаев А. Ф., Насыров Р.Н. Вопросы истины в философской дискуссии Беруни и Ибн Сины. - Общественные науки в Узбекистане, 1970, №6. -С.18-32.; Тураев Б.О. Развивающаяся пространственно-временная картина мира. Германия: LAP Lambert Academic Publishing – 2015. – 210 с.; Назаров Қ. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. фал.фан.док.. Дисс... Тошкент, 1997. - Б.316.; Шадманов К. Английская духовность и язык. - Дюссельдорф: Издво Lambert, 2015. - С. 264.; Наврўзова Г.Н. Абу Али Ибн Сино куш ҳақидаги рисоласининг моҳияти ва тасаввуфий ғояларнинг ривожига таъсири / Proceedings of 5th International Multidisciplinary Scientific Conference on Innovative Technology Hosted from San Fransisco, USA. <https://conferencepublication.com> February 28th 2021; Madaeva Sh. A. Islamic law and its historical identification features. Jcar Journal Of Central Asian Renaissance / Social sciences. // Tadqiqot.uz VOLUME 2 ISSUE 1. 2021. – Б. 16-28.; Саломова Ҳ.Ю., А.Ш. Иноятов, Саломова Н.М. Ибн Синонинг тиббий илмий меъроси. - Самарканд. 2021.Б.176.; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.): Автореф.дис.док.филос.наук. – Тошкент,1993. – 41 с.; Хусейнова А. Абдурахмон Жомийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. фал.фан.ном. Дисс... Тошкент,1994. - Б.140; Сафарова Н. Хожагон тариқати - Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2003. -Б 98.; Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-маърифий қарашларининг тарбиявий аҳамияти. –Тошкент: Mihaqiq, 2012. – 134 б.; Намозов Б. Б. Мухаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари. фал.фан. док. (DSc) Дисс... Самарканд, 2020.Б.234.; Юнусова Г.С. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили.фал.фан. док. (dsc) Дисс... –Самарканд, 2019. -Б.230.;

ёшлар ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришдаги ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ибн Сино тасаввуфий қарашлари назарий асосларининг инсон маънавий салоҳиятини юксалтиришда ижобий таъсирини ўрганишда илмий манбалар асосида олиб борилган тадқиқотларни асослаш;

Ибн Сино тасаввуфий қарашларидаги инсон маънавий салоҳиятини оширишга ижобий таъсир этувчи ахлоқий категорияларни тизимли тадқиқ этиш;

Ибн Сино иррационал қарашларидаги гуманистик ва ахлоқий тамойилларнинг ёшлар ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришдаги хусусиятларини очиб бериш;

Ибн Сино тасаввуфий қарашларининг потенциал моҳиятини аксиологик тизимли ва қиёсий таҳлил асосида тадқиқ этиш;

Ибн Сино тасаввуфий қарашларининг фалсафий фикр тараққиётидаги ролини таҳлил этишда “Саломон ва Ибсол”, “Хай ибн Йакзан”, “ал Ишарат ва-т-танбеҳат”, “Рисола фи-л-ишқ”, “Рисолат ат тайр” каби асарларидаги метафизик моҳиятни қиёсий таҳлил асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида суфизм контекстида Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети суфизм контекстида Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашларидаги диний-ирфоний моҳиятни тарихий-фалсафий таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, анализ ва синтез, диалектик, герменевтик, қиёслаш, таққослаш ва умумлаштириш каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ибн Сино тасаввуфий таълимотида инсоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатувчи ўзига хос интеллектуал моҳият касб этувчи ҳақиқатни билиш ва саодатга эришиш тўғрисидаги гносеологик назария ҳамда фаол онг, фикрлаш, ва сезгилар дунёси билан узлуксиз алоқадорликка оид метафизик методология яратилганлиги фалсафий нуқтаи-назардан асосланган;

Ибн Сино иррационал қарашларида сўфизмнинг комил инсон ва унинг камолоти, маънавий етуклик, эзгулик, яхшилик, башарият равнақи ғояларининг гуманистик моҳияти ва ёшлар ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришда соғлиқ ва фаровонлик, фуқаролар фаоллиги, гендер тенглиги, эҳтиёж ва имкониятлар каби ёшлар ривожланиши, фаровонлиги ва тараққиёти индекси кўрсаткичларининг онтологик моҳияти очиб берилган;

Ибн Сино тасаввуфий қарашларининг сўфизм тарихи тизимида ҳақиқатни англаш ва қадрлаш, комил инсонни шакллантиришда ақл ва фаросат орқали мукамалликка эришишга оид ғояларининг тутган ўрни ва

потенциал имкониятларининг шахсдаги муҳаббат, уйғунлик ва гўзалликнинг детерминистик таъсири ҳамда ҳис, ваҳм, ақл тушунчаларининг ижтимоий муҳит ва инсон маънавий борлиғига таъсир ўтказишининг гносеологик эволюцияси исботланган;

суфизм контекстида Ибн Синонинг “Соломон ва Ибсол”, “Ҳай ибн Яқзон”, “Танбеҳот ва ишорот”, “Муҳаббат рисоласи”, “Куш ҳақидаги рисола” асарларидаги тасаввуфий қарашларининг яхлит структуравий шаклда намоён бўлганлиги ҳамда фалсафий қарашлари билан диалектик боғлиқлиги ва бирлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий-маънавий меросни ўрганишга қаратилган фанларнинг замонавий модулларини ва контентларини ишлаб чиқишда, янги авлодини яратишда Ибн Синонинг “Соломон ва Ибсол”, “Ҳай ибн Яқзон”, “ал Ишорат ва-т-танбеҳот”, “Рисола фи-л-ишқ”, “Рисолат ат тайр” каби асарларидаги комил инсон тарбиясига оид альтруистик ғоялар асосида юксалиш ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилувчи тавсиялар ишлаб чиқилган;

жамият ижтимоий ҳаётида Абу Али Ибн Сино тасаввуфий, маърифий ва маънавий мероси таҳлили асосида огоҳлик мақоми инсонпарварлик мезонлари ва принциплари асосида комил инсон тарбиясида ахлоқ, илм, тафаккурнинг ўзликни англаш борасидаги мезонлари асосланган;

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда Ибн Сино ахлоқий-фалсафий меросидаги тасаввуфий қарашларнинг ҳозирги кундаги ёшлар тарбиясидаги зарурияти асосланган ҳамда миллий таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар жараёнида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган хулоса ва тавсиялардан суфизм тарихини, унга таъсир этган омилларни аниқлаштиришга, Ибн Сино илмий меросининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларда назарий-методологик манба сифатида, илм-фанни такомиллаштириш, академик мазмунни таълим сифатига олиб чиқиш орқали тадқиқотлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларда, шунингдек, муроса, бағрикенглик, сабр, шукроналик каби тасаввуфий категорияларнинг ёшлар тарбиясидаги методологик асосларини очиб бериш орқали фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-гуманитар фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Маънавият ва маърифат” марказларининг ёш авлодни тарбиялашга оид профилактик тадбирлар ва маънавий тарғибот фаолиятида, халқаро илмий-тадқиқот марказларининг буюк мутафаккирларнинг илмий ва диний меросини ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида, оммавий ахборот воситаларининг кўрсатувлар ва медиа материалларини тайёрлашда, мафкуравий таҳдидларга қарши соғлом ғоявий, маърифий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини оқилона ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суфизм контекстида Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашлари тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ибн Сино тасаввуфий таълимотида инсоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатувчи ўзига хос интеллектуал моҳият касб этувчи ҳақиқатни билиш ва саодатга эришиш тўғрисидаги гносеологик назария ҳамда фаол онг, фикрлаш, ва сезгилар дунёси билан узлуксиз алоқадорликка оид метафизик методология яратилганлигига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ПЗ-20170928696-рақамли “Ўзбекистонда “Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)” (2018-2020 йй) амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 12 августдаги 01/10-11-4638-сон маълумотномаси). Натижада, ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ маънавий ислохотларнинг назарий ва фундаментал асосларини тадқиқ этишда, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологиясини очиқ беришда Ибн Сино фалсафий, тасаввуфий ва илмий қарашлари методологик ва амалий аҳамият касб этган ва Марказий Осиё ренессанс даври маънавий, илмий меъросининг эволюцион аҳамиятини очиқ беришда муҳим назарий манба сифатида хизмат қилган;

Ибн Сино иррационал қарашларида сўфизмнинг комил инсон ва унинг камолоти, маънавий етуклик, эзгулик, яхшилик, башарият равнақи ғояларининг гуманистик моҳияти ва ёшлар ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришда соғлиқ ва фаровонлик, фуқаролар фаоллиги, гендер тенглиги, эҳтиёж ва имкониятлар каби ёшлар ривожланиши, фаровонлиги ва тараққиёти индекси кўрсаткичларининг онтологик моҳиятига доир янгиликлар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг амалий лойиҳалари, рисоалар тайёрлаш, маънавий тадбирларнинг мазмуни

ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори “Ислом цивилизациясининг умуминсоний қадриятларини, жумладан халқимиз маънавияти ва маданияти ривожда тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш” бандидаги вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 17 февралдаги 02/79-сон маълумотномаси). Натижада, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда Ибн Сино ахлоқий-фалсафий меросидаги тасаввуфий қарашларнинг гуманистик моҳияти, шунингдек, унинг ҳозирги кундаги ёшлар тарбиясидаги заруриятини илмий асослашга ҳамда миллий таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар жараёнида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиши асослашга хизмат қилган;

Ибн Сино тасаввуфий қарашларининг сўфизм тарихи тизимида ҳақиқатни англаш ва қадрлаш, комил инсонни шакллантиришда ақл ва фаросат орқали мукамалликка эришишга оид ғояларининг тутган ўрни ва потенциал имкониятларининг шахсдаги муҳаббат, уйғунлик ва гўзалликнинг детерминистик таъсири ҳамда ҳис, ваҳм, ақл тушунчаларининг ижтимоий муҳит ва инсон маънавий борлиғига таъсир ўтказишининг гносеологик эволюциясига доир назарий хулосалар ва амалий таклифлардан “O‘zbekiston” телерадиоканали “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририятининг 2021 йил январь-феврал ойларида эфирга узатилган “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 23 мартдаги O‘z/R-1-30-21-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг миллий тафаккурини кенгайтириш жараёнида гуманистик ғояларнинг моҳиятини чуқур англашга ўргатиш, бугунги кунда юзага келаётган ижтимоий муаммоларни танқидий изоҳлаш ва уларнинг ечимини амалиётга тадбиқ этиш билан боғлиқ соҳаларда олиб борилаётган фаолиятнинг самарадорлигини ошишига, тайёрланган дастурларнинг сифати ва мазмунини бойитишга хизмат қилган;

сўфизм контекстида Ибн Синонинг “Соломон ва Ибсол”, “Ҳай ибн Яқзон”, “Танбеҳот ва ишорот”, “Муҳаббат рисоласи”, “Қуш ҳақидаги рисола” асарларидаги тасаввуфий қарашларининг яхлит структуравий шаклда намоён бўлганлиги ҳамда фалсафий қарашлари билан диалектик боғлиқлиги ва бирлигига оид илмий-назарий таҳлиллар, фалсафий хулосалар ва таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон “Миллий Тикланиш” демократик партияси дастурининг IV. “Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишнинг устувор

йўналишлари”, VI. “Маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишлар” бандларидаги фазифалар ижросини таъминлашда, амалий лойиҳаларни ташкиллаштириш ва амалга оширишда, шунингдек, партия дастурини такомиллаштириш ва замон талабига мослаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2021 йил 21 апрелдаги 04/02-95-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек халқининг маънавий қиёфасини такомиллаштириш, ёшларга юксак ахлоқий хусусиятларга эга бўлган ҳар бир шахсга хос бўлган бурч, тўғрилиқ, ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат ҳиссини сингдириш, ташқи таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини оширишга, партия томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларини такомиллаштириш ва замон талабига мослаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, етти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 135 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг биринчи бобиц “Абу Али Ибн Сино фалсафий – ирфоний қарашларининг ғоявий ва назарий асослари” деб номланган. Ушбу бобнинг “*Ибн Сино фалсафий қарашларининг ғоявий асослари ва метафизик моҳияти*” номли биринчи параграфида бўлимида дастлаб, буюқ қомусий аллома Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашларининг ғоявий манбалари. Диссертацияда юнон фалсафий мактаби, хусусан Афлотун ва Арастунинг метафизик талимотининг методологик таъсири қиёсий тадқиқ этилиб, мутафаккирнинг ўзига хос фалсафий меъросининг шаклланиш босқичи очиб

берилган. Шунингбек Ибн Сино фалсафий таълимотида иррационал қарашлари метафизика нуқтаи назаридан асослаб берилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ибн Сино қарашларида инсоннинг моҳиятини билишда руҳ ҳақидаги таълимотида метафизика устуворлик қилган. Мутафаккир ўзининг руҳ ҳақидаги таълимотида Арасту метафизикасининг концептуал асосларига амал қилган. Аммо Ибн Сино таклиф қилган концепцияда руҳ (қалб) инсоннинг аслий жиҳатини ташкил этувчи моҳият эканлиги асосланади.. Шу сабабдан мутафаккир инсонни билишга йўналтирилган барча назарий қарашлари руҳ ҳодисасини ҳал қилишдан бошланган. Ибн Синонинг метафизикаси бошқа фанлар билан таққослаганда якуний хулосалар чиқаради ва фаол онг, фикрлаш, ва сезгилар дунёси билан узлуксиз алоқада бўлади. Метафизика нафақат бизнинг сезги органларимиз орқали идрок этиладиган моддий борлиқни ўрганади, балки оламнинг мавжуд бўлиш сабабларини излайди, шу туфайли ҳамма нарса мавжуд бўлган туб сабабнинг мавжудлиги билан якунланади. Ибн Синонинг фикрига кўра, метафизиканинг икки жиҳати бор: биринчидан, у борлиқ ва туб сабабни ўрганади; иккинчидан, у билишни ўрганади, чунки у бутун инсон билишининг сўнгги нуқтасини очиб беришга ҳаракат қилади.

Ибн Синонинг метафизикаси орқали билиш назариясининг моҳиятини англаш мумкин. Олим билишнинг турли даражаларини батафсил кўриб чиқиб, ташқи туйғулар ва рационал билиш фаолиятига алоҳида эътибор беради. Сезиларли шакллар - бу рационал билиш объекти, аммо бу ҳиссий маълумотни мавҳумлаштириш жараёнининг оддий натижаси эмас ва бу алоҳида фаол онг деб аталади ёки лотинча “Dator formarum”, яъни “шакл берувчи” ёки “шакллантирувчи” атамасидан фойдаланади. Айнан шу олий тамойилдан онг ости дунёсини яратишда иштирок этувчи субстанциал шакллар ва ундан сезиларли шакллар ҳам келиб чиқади. Ҳар бир инсон фаол онг орқали сезиларли шаклларни билиш қобилиятига эга, аммо ҳар хил даражада. Энг муҳими, Ибн Синонинг фикрига кўра, муқаддас кучга ёки самовий (илоҳий) онгга эга бўлган пайғамбарлар ва гностиклар бу қобилиятга эга. Улар туб сабаб билан боғлиқ бўлган ўз истеъдодлари билан бошқалардан фарқ қилади.

Бугунги кунда маънавиятли ва маърифатли, инсон қадрини яхши биладиган, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини тўғри англайдиган, ҳар жабҳада фидойилик кўрсатиб ишлай оладиган юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш ҳар галгидан ҳам ўта муҳим, ўта масъулиятли вазифага айланган экан, бу масъулиятни англаган ҳолда ота-она, тарбияловчи, педагог-ўқитувчи ва ҳар бир инсон ҳаракат қилмоғи лозим.

Диссертацияда Ибн Сино кишининг турмуш тарзи ва яшаш муҳитини энг таъсирчан омиллар сифатида кўрсатиб, тоғлик ерларда тоза ҳавода, кенг сайхонлик жойларда истиқомат қилувчилар узок умр кечириши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари таҳлил этилган.

Тадқиқотчи Абу Али Ибн Синонинг “Соғлиқни сақлаш илмий концепцияси” мантиқий моделида соғлиқни сақлаш илмининг етти тамойили асослаб берган. Яъни:

- миждозларни мўътадил қилиш;
- ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни танлаш;
- гавдани чиқиндилардан тозалаш ва тўғри тузилишни сақлаш;
- бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш;
- кийиладиган кийимни яхшилаш;
- жисмоний ва руҳий ҳаракат мўътадиллиги;
- уйқу ва уйғоқликни мўътадил қилиш.

Тадқиқотчи биринчи бобдаги “*Мутафаккир ирфоний қарашларининг гоъвий асослари*” деб номланган иккинчи параграфида Ибн Сино томонидан ирфоний билимларининг ривожига қўшган бекиёс хиссасини эътироф этади ҳамда манбалар асосида таҳлил қилади. Жумладан, ўша даврда Марказий Осиё минтақасида ислом фалсафаси негизини ташкил этувчи тасаввуф таълимотининг шаклланиши (X-XI асрлар) ҳамда ривожланишида ўзига хос назария ва методология яратилганлигини айтиб ўтади.

Диссертант мутафаккир асарлари⁸ рўйхатида тасаввуфга оид асарлар классификациясини келтириб, Ибн Синонинг ирфоний билимлар борасида уйғунликка эришган буюк донишманд эканлигини асослаган. Бу борада мутафаккирнинг Ибн Сино Қуръон ва пайғамбар ҳадисларининг ажойиб билимдони бўлиб, Исломда мавжуд бўлган кўплаб мазҳаб ва йўналишлардан ва улар ўртасида мавжуд бўлган келишмовчиликлар ҳақида яхши хабардор эди. Табиийки, унинг гоъвий интилишлари ва шахсий хусусиятларида маълум излар қолдирган. Ислом мафқураси унинг илмий изланишларига тўсиқ бўлмаган. Зарур бўлганда, у фалсафа ва фан ҳақиқатларини доимий равишда ҳимоя қилган ёки уларни диний ҳақиқатлар билан таққосламасдан мантиқий нуқтаи назардан асослаб берган. Гарчи чиқарган “ҳақиқатлар” фарқлансада ҳар бири ўз қўлланилиш доирасига эга бўлсада, уларнинг ҳар бири “яшаш” ҳуқуқига эга эди. Шунинг учун Ибн Синонинг айнан шу позицияси туфайли биз унинг ижодида фалсафа ва диннинг радикал қарама-қаршилигини ёки бошқача айтганда, фалсафий ва теологик дунёқараш тўқнашувни кўриб бўлмайди. Ибн Сино таълимотининг диний илдизларини кўриб чиқиш баробарида, унинг ижодида тасаввуф таълимотининг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш керак. Ибн Сино ўз ҳаётининг сўнгги давридаги сўфийлик мавзуларига муружаатини тадқиқотчилар турлича изоҳлайдилар. Шу билан бирга, сўфийлик иштиёқи олим учун ғайриоддий ва тасодифий

⁸ Ибн Сино . Китоб ул- Ишороти. / ЎзР ФА ШИ фонди. - инв №2213, 11 б. II ҷараҳ.; Ибн Сино . Рислоилу ҳуқамо. / ЎзР ФА ШИ фонди инв №2385, ҷараҳ 101 б.-103 б.; Ибн Сино. Тафсири китоб “Услужие” мин ал ансоф. (Аристотельнинг ҳамма асрларини шарҳ қилган “Ансоф” китобининг бир қисми). / ЎзР ФА ШИ фонди инв №2385/ XXIX.; ЎзР ФА ШИ фонди инв №2385/ XXIX.; Ибн Сино. Китоб ал ишорот ф-ил мантиқ в-ал ҳикмат.1340 м.й. / ЎзР ФА ШИ фонди инв №2213./ СВР т.5 . Ташкент 1960, с.383, № 4103.; Ибн Сино. Ал Илоҳиёт (Метафизика) . 1076 ҳ.й./ ЎзР ФА ШИ фонди инв №3006./ СВР.III. Ташкент 1953, с 40-41.; Ибн Сино. “Уржуза фи-Тиб” асарининг Тошкентда сақланаётган нусхаси 1322 байтдан иборат. СВР. АН Р УЗ . т.V, Ташкент, 1960. с. 272, №3919.

нарсa эмас эди. Тарихий фактлар ва Ибн Сино асарлари гувоҳлик беришича, у сўфийлар таълимотига қизиққан, уларнинг кўплари билан шахсан таниш бўлган, ҳатто баъзилари билан дўстлашган ҳам. Масалан, у ўша даврнинг машҳур олими, Нишопур сўфийлик мактаби раҳбари Шайх Абусаид Абулхайр билан тез-тез учрашиб, у билан узоқ суҳбатлар қурган. Ҳатто унинг рисолаларидан бири – “Ҳаракат ва қарши ҳаракат ва унинг қисмлари” ёки бошқа ном билан ҳам танилган – “Файзи илоҳий” асари ҳам тасаввуфга бағишлаган.

Абу Сайиднинг Синога ёзган 10 та мактуби ва Ибн Синонинг шунча жавоб мактублари сақланиб қолган. Мактублардан бирида Абу Сайид Ибн Синодан унга қийинчилик туғдираётган баъзи илмий саволларни тушунтиришини сўрайди. Ибн Сино ўзининг бир қатор аллегорик рисолаларида, шунингдек, “ал Ишарат ва-т-танбеҳат” номли фалсафий асарида тасаввуфга ўз муносабатини билдирган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Абу Али Ибн Сино суфизмининг маънавий асослари**” деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг “*Ибн Сино таълимотида комил инсон тушунчасининг мазмун моҳияти*” деб номланган биринчи параграфида Ибн Синонинг “комил инсон” модели, ҳақиқатан ҳам ақлий муккаддима - онг билан безатилган доноликнинг уйғунлиги ва мўътадиллик ва ахлоқий гўзаллик идеалини ўз ичига олади. Бундай инсонлар донишманд қиёфасида мужассамланган бўлади. Шунингдек, бу маърифий йўл Яратгувчи билан бирлашиш ва охир-оқибат илоҳий моҳиятда қоришиб кетиш мақсадида ирфон орқали босқичма-босқич мукамалликка кўтарилиш ғоясига асосланган таъкидланган.

Диссертацияда Ибн Сино суфизм контекстида фалсафий қарашларини тизимлаштиришда “Саломон ва Ибсол”, “Хай ибн Йакзан”, “ал Ишарат ва-т-танбеҳат”, “Рисола фи-л-ишқ”, “Рисолат ат тайр” каби асарларидаги мутафаккир тасаввуфий қарашларининг яхлит шаклда намоён бўлиши, ҳамда фалсафий қарашлари билан структуравий боғлиқлиги ва бирлиги аниқланган.

Зотан, Ғарбдан (моддий дунёдан) Шарққа (маънавий дунёга) саёҳат қилиш (яъни, ахлоқий такомиллаштириш ва ҳақиқатни билиш) учун тайёрланар экан, инсон қаерга бормасин, унга ҳамроҳ бўладиган учта муқаррар ёвуз йўлдошларини бўйсундириши шарт. Бу образли ифодаланган “ҳамроҳлар” инсоннинг ўзидадир. Бу, биринчидан, ёлғончи ва гапдон сифатида ҳаракат қиладиган одамнинг тасаввуридир; иккинчидан, жанжалчи деб номланган ғазаб кучи ва учинчидан, нафратланган баднафслик билан ҳисобланган шахват кучи. Инсон улардан халос бўлмагунча, унинг саёҳати асосий эҳтирослар дунёси ва маънавий субстанциялар дунёси ўртасида ўзгариб, мақсадига эриша олмайди.

Ибн Сино инсоннинг ички руҳий дунёси, ҳиссий кечинмалари ва ҳолатларини кўриб чиқувчи руҳ ҳақидаги таълимотдан фарқли ўлароқ, ахлоқ инсоннинг ташқи ҳаракатлари - унинг фаолияти ва феъл-атвори билан боғлиқ бўлган жиҳатларни очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг асосий мақсади-

одамларни юксак ахлоқий хислатлари эгаси сифатида тарбиялаш эди. Арастуниг фикрича, бу таълимотнинг мазмуни ёки асослари, икки турга: ахлоқий фазилатларга (сахийлик, мардлик, инсофлилик, ростгўйлик ва ҳ.к.) ва дианоэтик (ақлий (тафаккур) ўрганиш билан шаклланган фазилатлар) фазилатларга (донолик ёки мулоҳазалик, эҳтиёткорлик ва бошқалар) бўлинади. Маълумки тасаввуфнинг моҳияти Аллоҳ сифатларини билишдир. Арасту ва Ибн Синони ажратиб турадиган вақт оралиғига қарамай, ахлоқий фикр тобора фазилатлар бўлган бу бебаҳо ахлоқий монада (Бирламчи, Яратувчи) ларга мурожаат қилмоқда. Мутафаккирнинг бу карашларида Аллоҳ сифатлари хусусида фикр билдирилганлиги кўзга ташланади.

Мазкур бобнинг *“Ибн Сино қараишларида ирфоний камолот босқичлари”* деб номланган иккинчи параграфида сўфийликнинг кўп сонли гуруҳлари ва йўналишлари орасида Ибн Сино ўзининг мукамаллик даражаси билан фарқ қилувчи вакилларининг уч турини моҳиятан ва мантиқан ёритиб берганлиги таҳдид этилган. Мукамалликнинг биринчи босқичида “дарвеш” (зоҳид) бўлиб, унинг турмуш тарзи бу дунёнинг роҳатлари ва эзгуликларидан воз кечиш билан тавсифланади. Иккинчи босқич “тақводор” (обид) билан ифодаланади. Бу ном ўз ҳаётини ибодат, рўза каби диний маросимларни бошқаришга бағишлаган инсонга берилади. Ҳақиқатнинг ички сирини билишда ўз фикрларининг софлиги ва мушоҳадакорлиги билан ажралиб турувчи ориф шахси энг юксак мукамалликка эришади. Айнан шу тоифа одамлар, Ибн Синонинг фикрига кўра, “комил инсон” унвонини олишга лойиқдир.

Шунинг учун Ибн Сино тасаввуф аҳлининг номдор вакиллари орасида ориф шахсига энг катта устунлик берган. Ибн Синонинг сўфийлик тимсолларига мурожаати барча “кенг жамоатчилик” вакилларининг сўфий (ориф) дунёқараши жиҳатидан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам, мутафаккирнинг фалсафий ғояларига энг яқин бўлганлиги билан боғлиқ⁹. Сўфийликнинг аввалги икки вакили - дарвеш (зоҳид) ва тақводор (обид) га келсак, уларнинг Худога хизмат қилишдаги ғайратлари “фойдали битим” хулосасини эслатади:, яъни нариги дунёнинг неъматларидан баҳраманд бўлиш эвазига, ҳақиқий ориф эса Ҳақиқатнинг ички сирини билишга интилишда фикрлари поклиги билан ажралиб туриши лозимлиги асосланган.

